


## Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги

2017 йилнинг январь-июн ойларида ишлаб чиқарилган (кўрсатилган хизматлар) умумий ҳажми 1600,9 млрд. сўмни ёки 2016 йилнинг шу даврига нисбатан 104,4 фоизни, шу жумладан, дехқончилик ва чорвачилик, овчилик ва бу соҳаларда кўрсатилган хизматлар ҳажми 1594,6 млрд. сўмни (104,3 фоиз), ўрмончилик хўжаликларида 2,2 млрд. сўмни (90,1 фоиз), Балиқчилик хўжаликларида 4,1 млрд. сўмни (197,1 фоиз) ташкил қилди.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг хўжаликлар тоифалари бўйича тақсимланиши қуидагича ифодаланади:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида



**Ҳосил йигими.** 2017 йилнинг январь-июнь ойларида барча тоифадаги хўжаликлар томонидан 360747 тонна (ўтган йилга нисбатан 99,2 фоизга) жами дон, 88229 тонна (97,4 фоизга) картошка, 209064 тонна (106,0 фоизга) сабзавот, 9626 тонна (105,9 фоизга) полиз, 49930 тонна (109,8 фоизга) мева ва резаворлар хамда 1818 тонна (111,5 фоизга) узум етиштирилди.

**Чорвачилик.** 2017 йилнинг 1 июль ҳолатига ўтган йилнинг шу даврига нисбатан йирик шохли қорамоллар 103,9 фоизга (жами 665,0 минг бошни ташкил қилди), шу жумладан сигирлар 101,1 фоизга (212,4 минг бош), қўй ва эчкилар

101,2 фоизга (707,1 минг бош), отлар 100,6 фоизга (6654 бош), паррандалар 113,7 фоизга (4,0 млн. бош) кўпайди.

Барча ҳудудларда чорвачилик маҳсулотлари (гўшт, сут, тухум) ишлаб чиқаришнинг ўсиши асосан дехқон ва фермер хўжаликлари ҳисобига бўлиб, гўшт ишлаб чиқариш умумий ҳажмида уларнинг улуши 99,4 фоизни, сут ишлаб чиқаришда 99,8 фоизни, тухум ишлаб чиқаришда 63,6 фоизни ташкил этди.

2017 йил 1 июль ҳолатига чорва моллари ва паррандалар бош сони қуидагича:

	минг бош	ўсиш суръати, %
<b>Йирик шохли корамол</b>	<b>665,0</b>	<b>103,9</b>
шу жумладан:		
Фермер хўжаликлари	23,1	101,8
Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	640,3	103,9
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	1,6	106,7
<b>Улардан сигирлар</b>	<b>212,4</b>	<b>101,1</b>
шу жумладан:		
Фермер хўжаликлари	8,1	102,5
Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	203,6	101,0
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувччи ташкилотлар	0,7	100,0
<b>Куй ва эчкилар</b>	<b>707,1</b>	<b>101,2</b>
шу жумладан:		
Фермер хўжаликлари	25,7	101,2
Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	679,1	101,2

	минг бош	ўсиш суръати, %
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	2,3	104,5
<b>Отлар</b>	<b>6,7</b>	<b>100,6</b>
шу жумладан:		
Фермер хўжаликлари	0,4	105,5
Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	6,2	100,3
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	0,1	100,0
<b>Паррандалар</b>	<b>3987,7</b>	<b>113,7</b>
шу жумладан:		
Фермер хўжаликлари	1501,2	130,7
Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	1701,6	102,5
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	784,9	112,1

Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликларида йирик шохли қорамолларнинг улуши 96,3 фоизни, фермер хўжаликларида эса 3,5 фоизни, шу жумладан, сигирлар мос равишда 95,8 ва 3,8 фоизни, қўй ва эчкилар 96,0 ва 3,6 фоизни, отлар 93,5 ва 6,1 фоизни, паррандалар 42,7 ва 37,6 фоизни ташкил этди.

2017 йилнинг январь-июн ойларида барча тоифадаги хўжаликларда тирик вазн ҳисобида 61,8 минг тонна гўшт (2016 йилнинг январь-июнь ойларига нисбатан 8,5 фоизга кўп), 279,1 минг тонна сут (8,7 фоизга кўп), 211,9 млн. дона тухум (13,7 фоизга кўп) ишлаб чиқарилди.


2017 йил январь-июн ойларида ишлаб чиқарилган чорвачилик маҳсулотлари қўйидагича:

	миқдори	ўсиш суръати, %

	миқдори	ўсиш суръати, %
<b>Гўшт (тирик вазнда), минг тн.</b>	<b>61,8</b>	<b>108,5</b>
шу жумладан:		
Фермер хўжаликлари	1,5	107,7
Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	59,9	108,5
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	0,4	106,6
<b>Сут, минг тн.</b>	<b>279,1</b>	<b>108,7</b>
шу жумладан:		
Фермер хўжаликлари	10,2	109,8
Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	268,5	108,6
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	0,5	107,4
<b>Тухум, млн. дона</b>	<b>211,9</b>	<b>113,7</b>
шу жумладан:		
Фермер хўжаликлари	52,7	110,2
Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	82,1	110,5
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	77,1	120,1

Чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш таркиби қуйидагича ифодаланади:

ишлаб чиқариш умумий ҳажмига нисбатан фоиз ҳисобида



**Фермер хўжаликлари.** 2017 йилнинг январь-июнь ойларида фермер хўжаликлари томонидан ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми 293,4 млрд. сўмни ёки 2016 йилнинг тегишли даврига нисбатан 96,4 фоизни ташкил қилди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари умумий ҳажмида фермер хўжаликларининг улуши 17,0 фоизни ташкил этди.

2017 йилнинг 1 июль ҳолатига фермер хўжаликларида 23,1 минг бош йирик шохли қорамол, шу жумладан 8,1 минг бош сигир, 25,7 минг бош қўй ва эчкилар, 406 бош от, 1501,2 минг бош паррандалар мавжуд. 2017 йилнинг 1 июль ҳолатига нисбатан йирик шохли қорамоллар сони 1,6 фоизга, шу жумладан сигирлар 3,0 фоизга, қўй эчкилар 1,2 фоизга, паррандалар сони эса 30,7 фоизга кўпайди.

2017 йил январь-июнь ҳолатига фермер хўжаликлари томонидан ишлаб чиқарилган асосий турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари қўйидагича ифодаланади:

	2016 йил январь-июнь		2017 йил январь-июнь		2016 январь- июнга нисбатан фоиз хисобида
	тонна	ишлаб чиқариш умумий ҳажмидаги улуши, фоиз	тонна	ишлаб чиқариш умумий ҳажмидаги улуши, фоиз	
Дон жами	302730	83,3	300680	83,3	99,3
Картошка	4505	5,0	5038	5,7	109,4
Сабзавот	16847	8,5	18279	8,7	108,5
Полиз	1684	18,5	1781	18,5	105,8
Мева	10997	24,2	11724	23,5	106,6
Узум	211	12,9	228	12,5	108,1
Гўшт, тирик вазнда	1396	2,5	1503	2,4	107,7
Сут	9245	3,6	10152	3,6	109,8
Тухум, минг дона	47763	25,6	52638	24,8	110,2